

Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги ШАРТНОМА № 6

05 01 2022 й.

Андижон шаҳри

Республика Анкссача ҳузиат Дук Андикон Веллет Бошқармеси нинг қуйида "Истеъмолчи" деб номланувчи жамият номидан шартнома асосида фаолият юритувчи раҳбари К.Исмаилов шахслигида бир томондан, иккинчи томондан "Андижон нефт базаси" масъулияти чекланган жамиятининг қуйида "Етказиб берувчи" деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор в.в.б Қ.Юсупов шахслигида, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. "Етказиб берувчи", "Истеъмолчи"га нефт маҳсулотларини "Истеъмолчи"нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва қуйида келтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотларининг тури	Йиллик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда) Биржа савдоларида асосланган уртча нархда	Тахминий умумий суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича							
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак	
				тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма
Автобензин АИ-80	84	11428571	960000000	21	240000000	21	240000000	21	240000000	21	240000000
Автобензин АИ-91	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Автобензин АИ-95	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Дизель енгилгиси	6	12666667	760000000	1,5	190000000	1,5	190000000	1,5	190000000	1,5	190000000
Дизель енгилгиси (ЭКО)	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Ўчок енгилгиси	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
ЖАМИ:											

1.2. "Истеъмолчи" маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси ҚҚС билан _____ сўмни ташкил қилади.

2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранпортида, маҳсул автотранпортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда қуйиладиган барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи» га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирозни йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот қуйишга руҳсат берилмайди.

2.2 "Истеъмолчи"да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоровий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун маҳсул автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранпортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш "Маҳсулот етказиб берувчи"нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот "Етказиб берувчи"нинг омборидан "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана "Етказиб берувчи" томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Истеъмолчи"нинг маҳсул автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташиш "Хавфли юкларни ташиш қондалари"га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Аке ҳолда транспорт воситаси "Етказиб берувчи" нефт омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари "Истеъмолчи"га "Етказиб берувчи"нинг маҳсул транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш "Истеъмолчи"нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот "Истеъмолчи"нинг омборида "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт паклиётига имзо қўйилган сана "Етказиб берувчи" томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита "Истеъмолчи" вакилининг хоҳишига кўра "Етказиб берувчи"нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари "Етказиб берувчи"га тегишли бўлган ёнилги тарқатиш шаҳобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун "Истеъмолчи"нинг ишчиномасига мувофиқ маҳсулотни ёқилги тарқатиш шаҳобчасидан олиш тўғрисида руҳсатнома расмийлаштирилади. Мазкур руҳсатнома "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан ёнилги тарқатиш шаҳобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритади. "Истеъмолчи" вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида "Истеъмолчи"нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортда етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги "Нефт, газ конденцати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма"га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан элиборан «Истеъмолчи» га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик "Истеъмолчи" зиммасига, маҳсулот маҳсул автотранпортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранпортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустафо) нефт база ёки унинг бўлиналари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамгаланади. Тамгалаш "Истеъмолчи"нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9 "Етказиб берувчи" нефт маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган нефт маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан камида 5 кун олдин 100% миқдорида «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотларини «Истеъмолчи»га биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи»нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклландирган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини «Етказиб берувчи» таъминидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташин билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) «Етказиб берувчи» нефт базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) «Истеъмолчи» транзит орқали маҳсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

4.2. Эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

4.3. Нефть маҳсулотларини миқдор ва сифати бўйича «Истеъмолчи», «Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот орғиш ва кузатишчи ҳужжатларда кайд этилиши лозим.

5.3. Нефть маҳсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Ҳар икки томон нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефть маҳсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортишнинг учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва Етказиб берувчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Ҳар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар;

- агар та табиий офат, сувтошқини, ёнғин, zilзила ва бошқалар оқибатида юз берса,

- нефтьни қайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефть база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1.

9. ИМЗОЛАРИНИ ҚУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида ҳал этилади.


9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолагандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтган қундан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабргача амал қилади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

Номи: "Андижон нефт базаси" МЧЖ
Манзил: Андижон шаҳри Ахтачи саноат
ҳудуди, А.Ашуров кўчаси №10-уй
Ташкилот ў-н х/р: 22604000700285788702
АЁҚШлар ў-н х/р: 22604000500285788701
ИНН: 200240109, МҲО: 00432
Банк: "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Яшнаобод
фил. Телефон: (74) 291-11-22

Директор в.в.б.  Қ.Юсупов

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Номи:

Манзили:


х-р:

Банк номи:

МҲО:


Раҳбар:





Ҳуқуқий ҳулоса: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни талабларига зид эмас.

Юристоконсулт:



А.Ақбаров